

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ОШИРИШНИНГ  
НАЗАРИЙ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Жуманиязов Санжарбек Матрасулович**

Қорақалпоқ давлат университети

Давлат бошқарув ҳуқуқи 2 босқич магистри

**АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва унинг жамият ҳаётида туб бурилиш даври Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий ҳолати ва ривожланган бир қатор даврларнинг сайлов идораларининг ташкил этилиши ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кўриб чиқдик. Бугунги кунда давлат ўз миллий ҳуқуқий тизимини ва унинг учун мақбул қонунчилик базасини яратар экан, ўзи танлаган йўлнинг истиқболини жаҳоннинг глобаллашув жараёни билан уйғунликда кўрмаслиги мумкин эмас.*

**Калим сўзлар:** *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий ҳолати, сайлов ҳуқуқи, халқаро-ҳуқуқ, Таълим ва тарбия, ёш авлод, демократик давлат, ёшлар.*

**ABSTRACT**

*In the article, we examined the legal status of the Central Election Commission of the Republic of Uzbekistan and the organization of electoral bodies in a number of established periods, as well as their rights and powers. Today, when the state creates its own national legal system and the legal base corresponding to it, it is impossible not to see the prospects of the chosen path in harmony with the world processes of globalization.*

**Keywords:** *legal status of the Central Election Commission of the Republic of Uzbekistan, voting rights, international law, education and training, young generation, democratic state, youth.*

**КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий ҳолати ва ривожланган бир қатор даврларнинг сайлов идораларининг ташкил этилиши ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кўриб чиқдик. Бугунги кунда давлат ўз миллий ҳуқуқий тизимини ва унинг учун мақбул қонунчилик базасини яратар экан, ўзи танлаган йўлнинг истиқболини жаҳоннинг

глобаллашув жараёни билан уйғунликда кўрмаслиги мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан таъсири анча сезиларли бўлиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ижобий нуқтаи назардан, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида бошқа мамлакатларнинг умумлаштирилган тажрибаси миллий ҳуқуқ ва қонунчилик тизимини қўллаш самарали моделларини кўриб чиқиш чоғида кенг тарқалган хатоларни такрорламаслик имконини беради.

Ҳар қандай демократик давлатда сайловлар энг муҳим сиёсий воқеа ҳисобланиб, у давлатнинг истиқболга мўлжалланган танлови ва стратегиясини белгилайди. Давлат ҳокимияти органларини сайлов орқали шакллантириш йўли мамлакатдаги конституциявий тузумнинг демократия тамойилларига асосланганлигини намоён этувчи кўрсаткичларидан бири ҳисобланади <sup>1</sup>. Замонавий давлатларда сайлов ҳуқуқи, ўрнатилган сайлов тартиби турли сиёсий институтлар ўртасида мувозанатга эришиш ва давлат яхлитлигини сақлаш эҳтиёжидан келиб чиқиб, умумий принцип ва чегаралар ўрнатиш учун зарур самарали воситалар йиғиндисини ифодалайди. Бироқ, дунёдаги сиёсий тизимларнинг турли-туманлиги ва ўзгарувчанлиги, уларнинг электорал тажрибасининг хилма-хиллигидан қатъий назар, ҳар бир давлат охир-оқибат ўз сайлов моделини яратади, демак ўз халқининг анъаналари ва менталитетига таянади десак, асло муболаға бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг сайлов билан боғлиқ ташкилий ҳуқуқий механизмларини халқаро стандартларига мослаштириш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда ривожланган демократик давлатлар тажрибаларига мурожаат қилиш ҳаққоний ва адолатли демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий мақомини ошириш, сайлов тизими ва сайловларни ташкил қилишнинг демократик даражасини ошиш, мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг турли республика ва халқаро ташкилотлар ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорликларини ёритиб ўтишимиз лозим.

Жумладан, 2019-йилнинг 22-декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг натижалари бўйича қатор халқаро ташкилотларнинг миссиялари ва хорижий мамлакатларнинг делегациялари кузатувларининг дастлабки хулосаларига доир баёнотлар билан чиқди.

<sup>1</sup> Абдусаломов М. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистонда демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ўрни ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, 2014. №1, – Тошкент —О‘zbekiston НМИУ. –Б.5.

Марказий сайлов комиссияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси Миссиясига, ЧХТ, МДХ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши миссияларига ва барча халқаро кузатувчиларга Ўзбекистон Республикасига сайловларни адолатли, ҳалол ва шаффоф, умуметироф этилган стандартлар ва енг мақбул амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятларига биноан ўтказишда кўрсатган ғоят улкан ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиради. Ўзбекистон Республикасидаги сайловларга биринчи марта мисли кўрилмаган даражада кўп халқаро кузатувчилар ва хорижий давлатларнинг кузатувчилари, чет мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф етилди. Сайловларда жами 50дан ортиқ хорижий давлатлардан ва 10та халқаро ташкилотлардан 800дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, чет мамлакатларнинг 130дан ортиқ оммавий ахборот воситалари вакиллари мониторинг ва ёритиш ишларини олиб борди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг сайловларни чинакам демократик тамойиллар асосида ўтказишга, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини еркин билдириши учун барча шароитларни таъминлашга қатъий амал қилаётганининг ёрқин далилидир<sup>2</sup>. Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчиларга ва хорижий давлатларнинг кузатувчиларига Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ёълида муҳим босқич бўлган парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида мамлакатимиз томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишларни холис ёътироф етганлари учун чуқур миннатдорлик изҳор етади. Сайловларнинг Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-йили бошланган ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини босқичма-босқич ўзгартириш ва юксалтиришга ёъналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўтказилгани халқаро кузатувчиларнинг миссиялари ва делегацияларининг баёнотларида ҳақли равишда алоҳида таъкидланган. Айни пайтда “Олий Мажлисга “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида бўлиб ўтган сайловлар ортга қайтмас характер касб этган модернизатсия ва демократлаштириш жараёнларидаги муҳим босқич екани” ҳақли равишда алоҳида таъкидланган. Марказий сайлов комиссиясининг ва бошқа ташкилотларнинг мамлакатимиз сайлов қонунчилигини янгилаш, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш, сайловолди ташвиқотини янги форматда ташкил қилиш ва ўтказиш, кўп сонли халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг, жумладан,

<sup>2</sup> <https://www.saylov.uz/oz>

сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайловларда тўсқинликларсиз иштирок этишини таъминлаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш каби ёъналишларда амалга оширган ишларига юқори баҳо берилган.

Мамлакатимизда барча фуқароларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташқилий асосларлари ва самарали механизмлари умумийтироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида шакллантирилган. Бу жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида ҳам мустаҳкамланган. Сайлов кодексида ногиронлиги бўлган фуқаролар ўзининг барча конституциявий ҳуқуқларини, жумладан сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва еркин амалга ошириши учун зарур шароит ҳамда имкониятлар яратишга алоҳида ёътибор қаратилган.

Шу билан бирга, овоз бериш хоналарига олиб боровчи кўрсаткичлар кўринарли жойга ўрнатилиши, участка сайлов комиссияси биносида сайлов кўни малакали тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилишига ҳам ёътибор қаратилади. Депутатликка номзоди кўрсатилган ижтимоий фаол ногиронлиги бўлган шахслар ўз сайловолди дастурини тузиши ва уни сайловчилар ўртасида тарғиб қилишида ҳар томонлама кўмаклашилади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси билан мазкур жамиятлар ўртасида имзоланган келишувлар ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

2021-йил 29-декабр куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия Раиси З.Низамходжаев олиб борди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2021-йил иккинчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлари юзасидан ахбороти ва Марказий сайлов комиссиясининг 2022-йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари дастлаб Марказий сайлов комиссиясининг 2021-йил иккинчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлари юзасидан ахборотини кўриб чиқдилар. Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссиясининг 2021-йил иккинчи ярим йилликдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, Марказий сайлов комиссиясининг 2021-йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайловини ўтказиш бўйича календар режага мувофиқ ташкил этилди ва амалга оширди. 2021-йил иккинчи ярим йиллигида Марказий сайлов комиссияси фаолияти асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилди.

Сайловни миллий қонунчилик ва умумийтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ, еркин ва демократик, очиқ ва ошқора тарзда ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан барча ташкилий чоралар кўрилди. Белгиланган тадбирларни муддатида ва юқори даражада бажарилиши таъминланди. Сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хавфсизлиги таъминлаш мақсадида махсус ёрриқнома ишлаб чиқилди.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳақидаги концепсияга мувофиқ, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини янада юксалтириш мақсадида каскад усулида ўқув-семинарлари ташкил этилди. Шунингдек, сайлов комиссиялари фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати билан ишлашда хато-камчиликларга ёл қўймаслик ҳамда “Бир сайловчи – бир овоз” тамойилини таъминлаш мақсадида Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими операторларини тайёрлаш бўйича каскад усулидаги ўқувлар ўтказилди.

Сайлов кампанияси даврида сайловчиларга ўз сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш ёлга қўйилди<sup>3</sup>. Ушбу хизмат шакли хатто ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам камдан кам учрайди. Бунда мамлакатимиз сайлов жараёнида сайловчилар учун ахборотнинг очиқлиги ва уни олишда кенг имконият яратилганидан далолат беради.

Марказий сайлов комиссиясининг янгиланган расмий веб-сайти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган сайлов2021.уз ахборот веб-портали ишга туширилди. Сайлов комиссиялари аъзолари ва сайловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида сайловга оид барча маълумотларни ўз ичига қамраб олган махсус Сайлов 2021 мобил иловаси ишлаб чиқилди. Сайловчиларнинг сайлов тўғрисида хабардор қилиш, уларнинг електорал маданиятини юксалтириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан республика бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ишлари олиб

<sup>3</sup> <https://www.saylov.uz/oz>

борилди. Ахборот материаллари бир неча тилларда чоп этилиши, шунингдек расмий веб-сайтга жойлаштирилиши таъминланди.

Имконияти чекланган сайловчиларни сайловда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш мақсадида қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари ва кузатувчилар фаолияти учун барча шароитлар яратилди. Сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва унинг минтақавий бўлинмаларида малакали журналистлар ва экспертлар фаолият юритди.

Сайловни кузатган ЕХХТ ДИИХБ ўзининг дастлабки хулосасида СОВИД-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда профессионал ва самарали амалга оширди, илк бор очик мажлислар ўтказиб, қарорларини ўз вақтида еълон қилди, бу билан еса, у сайлов жараёнининг ошқора бўлаётганлигини кўрсатиб берди деб таъкидлади. Бу еътироф бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига мамлакат миқёсида кўрилган тайёргарликка берилган муносиб баҳо бўлди. Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2021-йил иккинчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлари юзасидан тайёрланган ахборот кенг муҳокама қилиниб, Комиссия аъзолари томонидан маъқулланди. Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2022-йилдаги устувор вазифалари белгилаб олинди ҳамда 2022-йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023-йил 10-мартдаги ҳамда Олий Мажлиси Сенатининг 14-мартдаги қарорларига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми 2023-йил 30-апрел – якшанба куни ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг юқоридаги қарорлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси 15-март куни матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида еълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг референдумини ташкил этиш ва ўтказиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Шу боис, **2023-йил 16-март куни** Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий

масалаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш **календар режасини** тасдиқлаш, референдум **округларини** тузиш, референдум **харажатлар сметасини** тасдиқлаш, референдум ўтказувчи **комиссиялар** аъзоларининг **малака оширишини** ташкил этиш, Марказий сайлов комиссиясининг **Матбуот маркази** фаолиятини ташкил этиш каби масалалар кўриб чиқилди.

**1.** Жорий йил 30-апрелда бўлиб ўтадиган референдумни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни қонунчиликда белгиланган муддатларда босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мажлисида Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш **календар режаси** тасдиқланди.

Календар режа референдум жараёнини қонун талабларига риоя қилган ҳолда тўғри ва самарали ташкил этиш, мавжуд куч ва имкониятларни оқилона тақсимлаш ва сафарбар этишни таъминлайди.

Календар режанинг яна бир муҳим вазифаси – референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳаракатларни барча референдум ташкилотчилари томонидан сифатли бажарилишини таъминлаш ҳисобланади.

**2.** Мажлис кун тартибига мувофиқ, “**Ўзбекистон Республикасининг референдуми округларини тузиш тўғрисида**” қарор қабул қилинди. Унга кўра, **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар** ҳудудлари чегаралари доирасида **14 та округлар** ташкил етилди.

**3.** Кун тартибидаги навбатдаги масала – референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ **харажатлар сметаси** ҳам муҳокама етилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2019-йилда вакиллик органлари сайлови учун **230,5 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Жорий йилда ўтказиладиган **референдумни молиялаштириш** учун Давлат бюджетидан **182,4 млрд сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

**4.** Ўзбекистон Республикаси референдумининг миллий қонунчиликка мос тарзда, уюшқоқлик билан ташкил этиш учун референдум комиссиялари аъзолари ҳамда референдум жараёни иштирокчиларининг билими ва кўникмаси юқори даражада бўлишини тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, 2022-йилда Марказий сайлов комиссияси Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепциясини тасдиқлаган еди. Мазкур ҳужжат асосида республикамизнинг барча ҳудудларида референдум жараёни

иштирокчиларининг малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

Мажлисида референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган **ўқитиш жараёнларининг навбатдаги босқичини** амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

**5.** Сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиклик, ошкоралик ҳамда шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этиш, ОАВлар билан ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси **Матбуот маркази** ва унинг **худудий бўлинмаларини** ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур **Марказнинг низоми** тасдиқланди. Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган гуруҳлар фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо миқдорини ўн беҳс баробардан йигрма баробаргача миқдорда жаримага солишга сабаб бўлишини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар еди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ролининг янада оширилиши демократик тараққиёт учун хизмат қилади.

## REFERENCES

1. <https://www.saylov.uz/oz>
2. Абдусаломов М. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистонда демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ўрни ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, 2014. №1, – Тошкент —O‘zbekiston НМИУ. –Б.5.
3. Рахимова Машхура Иномжановна, & Хасанов Миршод Нумонович (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41.



4. Раматов, Ж.С., Ҳасанов, М.Н., & Жуманиёзова, Н.С. (2022). ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 866-874.
5. Эрнийёзов, У., РАМАТОВ, Ж., Тухтабоев, Э., Валиев, Л., Жуманиёзова, Н., & Хасанов, М. (2022). ШРИ АУРОБИНДО ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЗАРУРАТИ. *World scientific research journal*, 9(1), 197-202.
6. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Х., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА КАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
7. Раматов, Ж. С., Эрнийёзов, У. К., Султанов, С. Х., & Хасанов, М. Н. (2022). САНЪАТНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АХАМИЯТИ. *World scientific research journal*, 9(2), 65-70.
8. Ramatov, J., Baratov, R., Jurabayev, N., Umarova, R., & Mamajanova, G. (2022, June). Evolution of railway construction development in Uzbekistan: Past and prospects. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030011). AIP Publishing LLC.
9. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). PROBLEMS OF INFLUENCE OF ISLAM ON CONSCIOUSNESS TRANSFORMATION. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 591-597.
10. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. У., Султанов, С. Х., Муратова, Д. А., Хасанов, М. Н., & Эрнийёзов, У. К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ КИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ КАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲДЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 376-386.
11. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Х., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
12. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.
13. Джуманиёз Раматов, Розигуль Умарова, Рашид Баратов, Миршод Хасанов, Сиродж Султонов, Файзулла Кушаков ПРОБЛЕМЫ ВЛИЯНИЯ ИСЛАМА НА

ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЗНАНИЯ // Академические исследования в области педагогических наук. 2022. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-influence-of-islam-on-coding-transformation> (дата обращения: 31.01.2023).

14. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) // Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.

15. М.Н.Хасанов, Д.А.Хафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>

16. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. Academic research in educational sciences, 3 (10), 582-586.

17. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 969-976.

18. Рамаатов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 1070-1078.

19. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Х., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. World scientific research journal, 9(2), 37-42.

20. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1453-1458.

21. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Sultanov, S., & Khasanov, M. (2022). METHODS AND MEANS OF FORMATION OF SPIRITUAL MORAL CONSCIOUSNESS IN STUDENTS AND YOUTH OF UZBEKISTAN. World scientific research journal, 10(1), 257-262.

22. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Хасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 1226-1235.

23. Бобошев, З. Н., Ҳасанов, М. Н., & Нуруллаев, Э. А. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ СИФАТИДА.
24. Эрнӣёзов, У. К., Ҳасанов, М. Н., & Машарипов, Х. С. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.
25. Журабоев, Носир Юсупович, & Ҳасанов, Миршод Нӯъмонович (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҶА РИВОЖИ: ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1274-1283.
26. Салимов, Бахриддин Лутфуллаевич, & Ҳасанов, Миршод Нӯъмонович (2022). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1345-1354.
27. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
28. Нилуфар Жўраевна Назарова, & Миршод Нӯъмонович Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 752-758.
29. Миршод Нӯъмонович Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 393-398.
30. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ОНТОЛОГИЧЕСКИХ И ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИХ ВОЗЗРЕНИЙ АЛЬ-ФАРАБИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2 (6), 537-546.
31. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 973-979.
32. Ф. А. Кушаков, М. Н. Ҳасанов, Р. Ў. Баратов, Ж. С. Раматов, С. Ҳ. Султанов ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ // *Academic research in educational sciences*. 2022. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekistonda-inson-u-u-lari-va-s-z-erkinligi> (дата обращения: 15.02.2023).
33. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Назарова, Н. Ж. (2022). МЕДИАМАДАНИЯТ ВА АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ.  
Academic research in educational sciences, 3(6), 984-988.

34. Миршод Нўмонович Хасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИНСОННИ АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙТАРИХИЙ МАНБАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 776-784.

35. Ж. С. Раматов, Миршод Нўмонович Хасанов, & Л. А. Валиев (2022). ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ (АБУ НАСР ФОРОБИЙ, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ АСОСИДА). Academic research in educational sciences, 3 (6), 705-712.

36. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). HISTORY OF RAILWAY CONSTRUCTION IN UZBEKISTAN: YESTERDAY AND TODAY. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 925-930.